*Зулфия МЎМИНОВА*

# ҚАЛДИРҒОЧ ИНИ БОР ЮРАККИНАМДА

Фирдавс йўлининг очилган куни,
Кўнгилда тугунлар ечилган куни,
Минг турлик чечаклар сочилган куни,
Йўқла, кўнгли камни Наврўзда йўқла.

Жайронлар жуфтини чорлар қирларда,
Дурри шаббаррўз порлар қирларда,
Севгилар қирларда, сирлар қирларда,
Йўқла, кўзи камни Наврўзда йўқла.

Бу тошларга отам қоқилиб ўтган,
Бобом бошин эгиб, йиқилиб ўтган,
Бу йўллардан момом қайтмасга кетган,
Хотирот, даламни Наврўзда йўқла.

Дерлар жуфти кетса, кетади оққуш,
Ўзини ўлимга тутади оққуш,
Севги-ла мангуга ўтади оққуш,
Оққуш, ишқ оламни Наврўзда йўқла.

Қалдирғоч ини бор юраккинамда,
Тошларнинг изи бор кураккинамда,
Тишларнинг изи бор кўйлаккинамда,
Ташна дилгинамни Наврўзда йўқла.

Қирларнинг бошида рўмол ҳўл бўлди,
Найсонлар томдилар — мовий кўл бўлди,
Какликнинг куйидан юрак сел бўлди,
Ғамангиз санамни Наврўзда йўқла.

«Бир зоғи бедоғ йўқ», дунё шу экан,
Хазонсиз чорбоғ йўқ, дунё шу экан,
Эртакки адоғ йўқ дунё шу экан,
Бевақт ўчган шамни Наврўзда йўқла.

Зулфия, юракда атиргул келтир,
Ўша атиргулни шартта юл, келтир,
Кўнгилни тушунгич бир кўнгил келтир,
Кимки боши ҳамни Наврўзда йўқла.

Бибихонимни саҳар чоғида кўрдим,
Соҳибқиронимнинг боғида кўрдим,
Мустақилликнинг кўз, қабоғида кўрдим,
Ўтган ҳазратимни Наврўзда йўқла.

Не-не ҳоқонларга сут берган жонсан,
Қон билан тошларга битик достонсан,
Энамсан — ўзбексан, бексан, султонсан,
Шеърим, султон энамни Наврўзда йўқла.

* * *

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку кулиб, жилмайиб,
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Гар кўзлари кулиб турса ҳам.
Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,
Ой юзлари кулиб турса ҳам.

Кўнглини кўтаринг, ҳеч бўлмаганда,
Қўлини силашга шарофат топинг.
Йиғлаб турганида, ҳеч бўлмаганда,
Ёшини артишга мурувват топинг.



Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку кулиб, жилмайиб,
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Ногоҳ ерга тушса оппоқ рўмоли,
Босиб ўтмасликка шафоат топинг.
Чақалоқ ялаган этакларини
Тоза, деб айтишга адолат топинг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг
Илоҳим, нур топинг, ҳидоят топинг.
Илоҳим, бахт берган аёл ёнидан
Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг.

Илоҳим, қалъасиз, илоҳ, қалқонсиз,
Ғийбатлар йиртмасин кўйлаккинасин.
Илоҳим, ҳушёрсиз, илоҳ, бедорсиз,
Саклар тишламасин юраккинасин.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса ҳам.
Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Олтмишга кирса ҳам, юзга кирса ҳам!

* * *

*Равшан ФАЙЗ хотирасига*

Равшан, бизни бир кулдир —
Сўрарди санам қизлар.
Сен ёзгандай юзи ой,
Қошлари қалам қизлар.
Кулмай қўйдик, ўрнингни
Билдириб юрибсанми?
Жаннатларда ҳурларни
Кулдириб юрибсанми?
Энди ҳеч ким сим қоқиб
Айтмағайдир пайровлар.
Йўқ самимий сўровлар,
Йўқ самимий чорловлар.
Энди, гоҳ-гоҳ тўпланишсак,
Кулгилар ёлғон чиқар.
Ўртадан Равшан деган
Бир азиз армон чиқар.
Бир кечада дунёни
Доғлаб, тиғлатган йигит.
Бизни кулдирган йигит,
Бизни йиғлатган йигит.
Кулмай қўйдик, ўрнингни
Билдириб юрибсанми?!
Жаннатларда ҳурларни
Кулдириб юрибсанми?!
Сен Оқтовдан оқиб келган
Оқин эдинг бизларга,
Бир энани эмишгандек
Яқин эдинг бизларга.
Унутилмас талабалик
Кунлар, олтин эканлар.
Сен тўйингдан кийиб келган
Тўнлар олтин эканлар.
Хотирада гулхан ёқиб
Дилни чўғлаттан йигит.
Бизни кулдирган йигит
Бизни йиғлаттан йигит.
Илоҳи, жаннатларнинг
Тўрларини кўрган бўл.
Жаннатларда ҳурларга
Шеърлар айтиб юрган бўл.

*Ҳусан Эшмурод қирлар, тоғлар, бепоён кенгликлар ҳақида ёзарди. Ватан манзараларининг асрий, абадий шаклларига халқона оҳанглар, бахшиёна нағмалар қуйилади. Шу маънода унинг илк шеърий китоби «Кўнғиротнинг қўшиғи» бахшилар макони, достону термалар замини бўлмиш Деҳқонободга бағишланган фахриялар мажмуидир.*



*У жўшқин, фахру ҳайратларга тўлғин инсон эди. Кўнглидаги самимият, табиатидаги тўлқинлар дунёни сув босса ҳам тўпиғига чиқмайдиган ҳар қандай кишини-да оқизар эди.*

*Афсуски, меҳру туйғулари юрагига сиғмаган ушбу самимий инсоннинг жони жисмига сиғмади.*

*Шоир Ҳусан Эшмурод битган қуйидаги шеърлар воситасида унинг хотирасини ёд этдик.*

*Худо раҳматлининг руҳи шод бўлсин.*

*Ҳусан ЭШМУРОД*

## СЕНИНГ РОЗИНГ ЕТМАЙДИ

Фалакда сонсиз юлдуз,
Узиб берайми, ҳой қиз,
Орзуманд бир ошиқман,
Ғамим йўқ, менга ёлғиз —
Сенинг розинг етмайди-ё,
Сенинг розинг етмайди.

О, сеҳрли муҳаббат,
Уйқудаги атиргул,
Яратганим, ато эт,
Ул жаннонга журъат, тил,
Сенинг розинг етмайди-ё,
Сенинг розинг етмайди.

Етолмайман фарқига,
Қайдан олдинг чиройни,
Сочларингнинг тарҳига,
Жойладингми ё ойни,
Сенинг розинг етмайди-ё,
Сенинг розинг етмайди.

Ширин-ширин тушларим,
Во дариғ, сувга оқар,
Юлдузчалар кўзимга
Етимдек мунгли боқар,
Сенинг розинг етмайди-ё,
Сенинг розинг етмайди.

Дунё дардга боймикин,
Айт, осмон, дилинг ёзгил,
Бу ой ўша оймикин,
Яноқлари қип-қизил,
Сенинг розинг етмайди-ё,
Сенинг розинг етмайди.

Бермиш ясан-тусанга
Туйғуларим ўзини,
Ошиқ шоир Ҳусанга
Сўйлармиш ёр сўзини,
Сенинг розинг етмайди-ё,
Сенинг розинг етмайди.

## КАРВОН

Туйғуларим тизилишиб тушмоқда йўлга,
Зўр карвонда қаторлашиб чўзилган нордай,
Парво қилмай на тоғу тош, на адир, чўлга,
Чўнг давондан ўтса, олдида бир манзил бордай.

Бу не манзил, бу не макон, ҳали ноаён,
Балки уям кимсасиздир, шунчаки ердир.
Гоҳ сас бериб, гоҳо бесас кетмоқда карвон,
Балки бу юрт подшоҳи ғазалдир, шеърдир.

Омад сенга, эй шукуҳли карвоним, оқ йўл,
Сафарингга аҳли дунё қилсинлар ҳавас.
То манзилга етгунингча фақат ҳушёр бўл,
Йўлда ногоҳ қароқчилар таламаса, бас!

## АДАШГАН ҚЎШИҚ

Турткилайди ширин хотира,
Юрагимга у яна ошиқ.
Йўқ, мен — бу кун мен эмас сира,
Қир бағрида адашган қўшиқ...

Балки, гулим, тутмассан қулоқ,
Балки дерсан, энди ишқ ёлғон.
Кўзларимга ўхшайди булоқ,
Кўзларингга ўхшайди осмон.

Бир кун тобут гўёки бешик
Тебратадир ошиқ жисмимни...
Қир бағрида адашган қўшиқ
Излагайдир айтиб исмимни...

Турткилайди аччиқ хотира.

## Наврўзи олам келди

Ер курраси айланиб,
Наврўзи олам келди,
Қир-адирлар товланиб,
қирмизи лолам келди.
Кундуз қуёш чарақлаб,
тунда қамар ярақлаб,
Сою анҳор шарқираб,
жўшқин шаломам келди.
Амир Темур бобомиз
от устида бардамлар,
Хиёбонда устивор,
Истиқболга ҳамдамлар.
Дийдор кўришмоқ истаб,
ул ҳазрат ҳузурига
Дарё тўлқини янглиғ
набиралар қадамлар.

Ҳар тараф чаман-чаман,
нурга ғарқ ҳам дилрабо,
Бахш этиб ором, ҳузур
янграйди қўшиқ, наво.
Йигит-қизлар ясанган,
гурс-гурс одимлар шахдам,
Истиқлол майдонига,
марҳабо, ҳей, марҳабо!

Дўстлик туғлари баланд
ҳилпирайди осмонда,
Менинг гўзал диёрим
ягонадир жаҳонда.
Фахр этинг, қутлуғ қилинг,
ёронлар, биродарлар.
Бугун Наврўзи олам
Туронда — Туркистонда!

**Мавлон ИКРОМ**



*Ғафур ЎМУРЗОҚОВ*

# «...СЎЗЛАМОҚҚА ҚЎРҚУБ ТУРМАЙМЕН»

Ўзбек миллий журналистикаси асримизнинг дастлабки ўн йилликларида жадидларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида шаклланди. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Абдулла Авлоний, Аъзам Аюпов, Назир Тўрақулов каби миллат фидойиларининг хизматлари каттадир. Шу матбуот фидойилари орасида Ғози Юнуснинг ҳам муносиб ўрни бор.

Ўша давр маърифатпарварларига хос бўлган жонкуярлик, ҳақиқатпарварлик, миллий онгни, маданиятни, илм-маърифатни юксалтириш йўлидаги тиришқоқлик каби хислатлар Ғози Юнусга ҳам хос. У қайси сиёсий-ижтимоий муҳитда яшамасин, хоҳ чор Россияси, хоҳ Мухторият, хоҳ совет даврида бўлсин, амалдаги ҳаракатлари қанчалик тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъи назар, холис ният билан миллатига, халқига хизмат қилиш ҳаёти ва ижодининг асосий мезони бўлиб қолди.

Ғози Юнусда матбуот ва нашриёт ишларига қизиқишнинг бошланиши, тахминан 1913-14-йилларга тўғри келади. У шу йиллари укаси Файзибой ва икки савдогар дўсти билан Латвия, Литва, Эстония, Финляндия, Петербург каби жойларга сафарга чиқади. Нияти — босмахона очиш учун керакли асбоб-ускуналарни олиб келиб, матбаа очиш эди. Афсуски, биринчи жаҳон уруши бошланиб кетиб, зарур дастгоҳларнинг бир қисминигина олиб қайтишади. Лекин, орадан уч-тўрт йил ўтгач, ниятини амалга оширади — ҳозирги кунда ҳам ишлаб турган Эски Жўвадаги босмахонага асос солади.

Ғози Юнус вақтли матбуот билан мунтазам равишда танишиб боради. Турк, озарбойжон, айниқса, татар ва рус тилларини билиши дунёқарашининг шаклланишига ёрдам беради. Чунки ўша пайтда бу тилларда босилаётган газета-журналлар таъсирида янги ҳаёт сари қадам ташлаётган маърифатпарвар жадидлар тўлқини Туркистонда ҳам мавжлана бошлаган эди. Бу ҳаракат, табиийки, табиатан маърифатга ташна Ғози Юнусни ҳам четлаб ўтмади. У ўзининг дастлабки мақолаларидаёқ халқ, миллатнинг жароҳатларига малҳам истаб чиқди. Камчилик ва нуқсонларни соф диний ақидалар ойнасида кўрсатди...

Ғози Юнус дастлаб октябр тўнтариши арафасида ўзини қизиқтирган ижтимоий ҳаётга оид мақолалари билан «Нажот», «Улуғ Туркистон», «Турон» каби газеталарда кўрина бошлайди. Уларда босилган мақолаларида Туркистон аҳлидан низо-нифоқни кўтариш, барча туркистонликларни бирлаштириш, иттифоқ бўлишга даъват асосий ўрин тутади.

Ғ. Юнуснинг «Касалимиз ва унинг доруси» мақоласи «Нажот» газетасининг 1917 йил 28 май сонида босилиб чиқди. Мақоладан муаллифни Туркистондаги «Маҳлуқ бир мараз» (ҳалокатли касаллик — **Ғ. У.**) ва «исломият вабоси» бўлмиш нифоқ ниҳоятда ташвишлантиргани яққол кўринади. У миллатнинг ҳар бир фарзандига мурожаат этади. Уларнинг қалбига кириш учун йўл излайди. Уларнинг қалбларида бир-бирларига нисбатан меҳр-муҳаббат, биродарлик туйғуларини уйғотишга ҳаракат қилади: «Саодат башар иттифоқиладур. Ислом дини мусулмонларни жуда иттифоққа чақирадур. Ажабо, биз мусулмонлар дунё ва охират нажотимизни исломиятда деб билмаймизми?» У иймон ва ислом макон тутган диллар ўртасида узилмас робита борлигига қатъий ишонади. Лекин нифоқ қаердан келади, кимлар келтиради уни? Бу саволларга жавобни ҳар бир мусулмоннинг виждонига ҳавола қилади.

«Турон» газетасининг 1917 йил 6 сентябр сонида босилган «Ал-уламоу варасат ул-анбиё» (Уламолар набийларнинг ворисларидирлар; ҳадис — **Ғ. У.**) мақоласида эса, миллат уламоларига мурожаат этиб, миллатни зулматдан зиёга, жаҳолатдан ҳақиқатга, маърифатга олиб чиқиш улар зиммасида эканини қайта-қайта таъкидлайди. Набийлар сабот ва матонат билан ўз қавмларини руҳоният ила баробар маданият чўққисига ҳам кўтарган эканлар, ўзини уламо деб билган ҳар бир зоти киром пайғамбарларнинг меросхўри эканлигини ҳақдан англаб, уларнинг йўлидан юриши, ишини давом эттириши кераклигини уқтиради.

Давр, замон ўзгаришлари Ғози Юнуснинг дунёқарашига таъсир этмай қолмади. Ижтимоий ҳаётдаги зиддият ва қарама-қаршиликлар унинг ижодида тўла акс этди, дейиш мумкин. У «Мулла Ғози Юнус»дан «Мухториятчи Ғози Юнус»га, «Мухториятчи Ғози Юнус»дан «Коммунист Ғози Юнус»га айланиб борди. Ниҳоят, ундаги бу «эволюция»нинг охири «халқ душмани Ғози Юнус»га бориб тақалди.

Лекин, у ким бўлиб яшамасин, ким бўлиб қалам тебратмасин, битта мақсадда — миллатига хизмат қилиш йўлида фаолият кўрсатди.

Қўқон Мухторияти қонга ботирилгач, 1918 йили болшевиклар партиясига аъзо бўлиб кирди. Бу эса, уларнинг йўлини тўла қабул қилганидан далолат беради. Лекин бу кўп ҳам ҳайратланарли ҳол эмас. Чунки бу йўлни кимлар қабул қилмаган, кимлар ёлғон ваъдаларга ишониб, миллатнинг тақдирини уларнинг қўлига топширмаган. Ғози Юнус ҳам ўшаларнинг бири сифатида совет тузумининг ҳимоячисига айланди. Инқилобий мавзуларда асарлар ёзди. Шундай бўлса-да, ҳақ гапни айтишдан чўчимади, юз бераётган адолатсизлик ва камчиликлардан кўз юммади, халқнинг дардидан айри тушмади.

Мана, «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 25 июн сонида у нималарни ёзади: «...ўзум ҳақиқий бир ишчи ўлдуғимдан бир хил кишилардек сўзламоққа қўрқуб турмайман. Тўғримга келган ҳар бир эгриликка инсоният нуқтаи назаридан боқарман. Миллатимнинг ҳар бир ифродида камчилик кўрар эканман, унинг ташиган сарлавҳасидан қатъи назар айлаб, унинг камчилигини акмаллаштирув тарафига киришмоқни ўзумга фарз айн биламан. Бул зот фалончи-ку деб... қараб турмаймен». «Эски шаҳар машмашалари ва ёхуд тақлид зарари» деб номланган бу мақолада халқнинг бошида турган, иш юритаётган раҳбар шахсларни, уларнинг «халқнинг аҳволи руҳияси» билан ҳисоблашмаслигини, ҳар бир ишда русларга тақлид этишларини, бой-бадавлат кишиларга жазо чораларининг ниҳоятда қаттиқ қўлланилаётганини танқид қилади. Ғози Юнуснинг ўзи ҳам маъмурий органларда ишлагани боис, у ердаги адолатсизликларни жуда яхши англайди, раҳбарлардаги сир-асрорлар ҳам унга анча-мунча маълум.

Мазкур мақоланинг охиридаги миллат ўз ҳуқуқини ўзи олиши, ташлаши ҳақидаги фикрлар жуда аҳамиятлидир. Чунки Ғози Юнус қаламга олган бу ҳуқуқ 70 йиллар мобайнида халқимиздан бегона қилинган эди. «Биз ўз ҳуқуқимизни ўзимиз олмаганда, — деб ёзади у ўша мақоласида, — бошқаларнинг берган ҳуқуқиндан нима фойда. Чунончи, турк тили (туркий тил демоқчи — У. Ғ.) давлат лисони эълон қилингандан сўнг ҳукумат идораларинда қандоғ совуқ қарши олинди. ...Ҳукумат идорасидаги мусулмон биродарлар орасинда бир-бирлари бирла русча сўзлашмак мўдаға кирди. Мана бу ҳоллар ҳар бир ҳуқуқ тарафдорининг юрагини ёндирадир... Биз ўз ҳуқуқимизни талашиб олувимиз керак бир замонда, бошқалар тарафиндан олижаноблиқ қилиб берилган бир ҳуқуқимизни оёғимиз остиға олиб топтовимизни тарих ҳеч вақт унутмас».

Бундан кейин ҳам «Эски шаҳар машмашалари ва ёхуд жамиятимизнинг бориши», «Эски шаҳар озуқ комитетидаги машмашалар», «Халқ бекорга қийналмасун», «Касабачилик иши» каби ижтимоий масалаларга оид бир қанча мақолалар ёзди. Шуниси қизиқки, мақоланавис бошқа туркум мақолаларида тахаллуслари билан, бу хил кескин танқидий мақолаларида эса ҳақиқий номи билан имзо қўяди. Натижада тазйиқларга дуч келади. Кимлардир панапастқамларда унга пўписалар ҳам қилади. Матбуотда ҳам унинг ёзганларини рад этувчи мақолалар пайдо бўлади.

«Дин номидан иғво тарқатувчилар» («Қизил Байроқ», 1921 йил, 24 декабр) мақоласида эса, динга қарши тош отаётганлардан динни ҳимоя қилмоқчи бўлади-ю, совет ҳокимиятининг юргизаётган сиёсатининг ҳали тўла англаб етмагани ҳолда, исломни эмас, болшевизмни ҳимоя қилганини билмай қолади...

Ғози Юнуснинг ижтимоиётга тегишли яна муҳим бир мақоласи борки, бу мақоласиз унинг шахсини, фаолиятини тўла тасаввур этиб бўлмайди. У «Ерлилаштириш теварагидаги луттибозликлар» («Муштум» журнали, 1925 йил, 3-сон) мақоласидир.

Совет тузуми ўрнатилиши жараёнида, бошқа ўлкаларда бўлгани каби, Туркистонга ҳам «коммунизм элчилари» ёпирилиб келиб, маъмурий ўринларни эгаллагандилар. Табиийки, уларнинг асосий қисми рус ва қисман татар миллатига мансуб шахслар ёки Ғози Юнус таъбири билан айтганда, «ёвруполиқлар» эди. Тарихдан маълумки, шахсан Ленин томонидан бир неча марта махсус комиссиялар тузилиб, «Туркистон халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари... Россия совет ҳукумати юргизаётган бутун сиёсатнинг асоси эканини» англатиш учун Туркистонга сафарбар этилган. Ҳар бир масъулиятли ўринга «доҳий» томонидан раҳбар тайинланган. Совет тузуми бироз қарор топгач, РК(б)Пнинг XII қурултойида маҳаллий идораларни миллийлаштириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинади. Лекин бу қарорлар ҳам «халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари» тўғрисидаги қарорлар каби бир ниқоб эди. Бу қарорларни Россиянинг чин биродарлиги деб тушунган Ғози Юнус эса партия қарорлари бажарилмаётганидан ташвишга тушади. Миллатига мустабидларча муносабатда бўлаётганларни текинхўрлар — «шунғиялар» деб атайди. Ҳолбуки, «шунғиялар»нинг энг каттаси Ленин эди. Бироқ, ўзи англамаган ҳолда, «шунғиялар»нинг, биз назарда тутаётган ва мақоланависнинг ўзи назарда тутган «шунғиялар»нинг амалга ошираётган ишларини аччиқ кесатиқ ва киноялар билан фош этади.

Бу мақола етмиш йилларча халқимизнинг муаммоси бўлиб келган мавзуни қамраб олганлиги боис катта аҳамиятга моликдир.

«Великий рус тормиллатчилиги кўз қараши билан, — деб ёзади Ғ. Юнус, — ташландиқ бола каби муғлуқ (мунғлуқ, мунгли бўлса керак — **Ғ. У.**) бўлган ерли халқ инқилобдан кейин шу кунгача ҳам анчағина великий рус шовинизмасиға тутилиб, дамбадам энтикиб, нафаси тиқилиб турди ва турибдир»; «Мана бундай манҳус бажаралар (яъни, рус тормиллатчилари — **Ғ. У.**) бизнинг идораларимизда, айниқса, иқтисодий идораларимизда жуда кўбдир. Буларга ерли халқ дедингми, иймони қирқ газ нарида деябер. Кўб идораларда очиқдан-очиқ ерли халқ ишчиларига сағрашинний штат қамчиси урилди...».

Мақоланинг асосий мавзуи, кўриниб турибдики, маъмурий идора ва ишлаб чиқариш корхоналарини «ерлилаштириш» — миллийлаштиришдир. Бу муаммо фақат ўша давр миллатпарварларигина эмас, балки кейинги кўп ўн йилликлар мобайнида ҳам ўзини миллатпарвар санаган ҳар бир шахснинг юрагини ўртаган муаммо бўлиб келди. Чунки бир қанча масалалар — миллий тил, миллий руҳ, миллий маданият, урф-одат — ҳамма-ҳаммаси ана шу «ерлилаштириш»нинг қай даражада экани билан боғлиқ.

Ғози Юнус ўз юртини дунёнинг тараққий этган бошқа мамлакатлари қаторида озод ва мустақил кўриш истаги билан яшаган эди. У халқини Ўзбекистон номи остида «Бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг торт» мақолига амал қилиб, биргаликда фаолият кўрсатишга, Шарқда намуна бўладиган бир давлат барпо этишга чақиради. Афсуски, шўролар даврида ваъдаларга вафо бўлмади, омонатларга хиёнат қилинди, орзулар ушалмади, юртини озод кўриш истагида бўлганлар йўқотилди. Ўзбекистон эса «ўн беш ёлғон жумҳурият»нинг (А. Соғуний ибораси) бирига айлантирилди.

Биз юқорида Ғ. Юнуснинг фақаттина ижтимоий ҳаётга тегишли бир неча мақоласи хусусида сўз юритдик, холос. Ҳолбуки, у маориф, маданият, илм-фан, театршуносликка оид юздан ортиқ мақола ёзган. Улар орасида кескин танқид қилинадиганлари ҳам, айбни муҳитга ағдариб, оқлаш мумкин бўлганлари ҳам, бугунги кунгача ўз қадрини йўқотмаганлари ҳам бор. Буларнинг ҳар бири ўзига хос алоҳида мавзу.

Ғози Юнуснинг журналистик фаолияти эндигина шаклланиб келаётган ўзбек матбуотининг, янгича шўровий ва ҳам миллий тафаккурнинг тарихи билан боғлиқ экан, демак, унинг ижодини атрофлича ўрганиш лозим. Биз бугунги кунда «узоқлаштирилган» тарихимиз билан яқинлашар, «бегоналаштирилган» аждодларимиз билан боғланар ва натижада маданий меросимизни ўрганар эканмиз, Ғози Юнус сингари фидойи инсонлар ижодий фаолиятининг барча жиҳатларини холис тадқиқ қилиш адабиётшунослигимиз ва публицистикамизнинг илмий тарихини яратишда муҳим аҳамиятга моликдир.

